



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 140 (12.953)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ШҲТ САММИТИДА ИШТИРОКИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2015 йил 9-10 июль кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг Уфа (Россия) шаҳрида бўладиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.

Ўзбекистон — Польша:

ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Польшанинг Сулеювек шаҳрида Ўзбекистоннинг Варшавадаги элчихонаси вакиллари ва «PPUH Horus energia Sp.z.o.o.» компанияси бошқаруви аъзолари учрашуви бўлиб ўтди. Мазкур компания электр энергия ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар (шу жумладан, муқобил энергия манбаларидан) тайёрлашга ихтисослаштирилган.

Тадбир доирасида юртимиз сармоявий салоҳияти тақдироти ҳам бўлиб ўтди. Унда қатнашчилар Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида қўлга киритган салмоқли муваффақиятлари, мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устуворликлари, республикада хорижий инвесторлар учун яратилган қўлай шарт-шароитлар ҳамда қафолат ва имтиёзлар билан атрофлича танишди.

Тадбирда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий, «Ангрен» ҳамда «Жиззах» махсус индустриал зоналарида ҳамкорликда сармоявий лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ этиш билан боғлиқ масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ўз навбатида, Польша компанияси вакиллари электр энергияси билан таъминлайдиган, шу жумладан, муқобил ёнилғи — био-қийилга, коммунал чикиндилар ҳамда турли газлар асосида ишлайдиган замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқарилиши ҳусусида батафсил маълумот берди.

«PPUH Horus energia Sp.z.o.o.» компанияси бошқаруви раиси

Я. Коблак ўз компанияси ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликнинг кўп йиллик тажрибасига эга эканлигини айтди. Жумладан, 2014 йилнинг февралда «Ўзбекнефтегаз» Миллий холдинг компанияси мутахассислари мазкур компанияда малака оширишди, 2014 йил апрелида эса Тошкентда «PPUH Horus energia Sp.z.o.o.»нинг тақдимот маросими ўтказилди.

Я.Коблакнинг фикрича, республикамиз улкан инсон ресурсларига ҳамда экологик ёнилга ишлайдиган агрегатлардан фойдаланиш учун кенг имкониятларга эгадир.

«PPUH Horus energia Sp.z.o.o.» компанияси раҳбари энергия ишлаб чиқариш учун янги муқобил манбаларни қўллаш юзасидан ўзбекистонлик шериклар билан ўзаро ҳамкорликни давом эттиришдан манфаатдорлик билдирди. У, шунингдек, ўз компанияси Ўзбекистонда мутахассисларни қайта тайёрлаш ва асбоб-ускуналарга сервис хизмати кўрсатиш мақсадида ўқув марказини ташкил этишга ҳам тайёр эканлигини маълум қилди.

«Жаҳон» АА
Варшава

Қишлоқда Азиз деган дўстим бор. Болалигимизда кураш тушиб, нуқул ҳаммамизни енгарди. Ўтган йили қишлоққа борганимда Азизнинг хориждан келганини айтишди. Йўқлаб борсам, аввалги Азиз эмас: кўзлари киртайган, ўзи озиб-тўзиб, бир бурда бўлиб қолибди. Ҳайратимни яшира олмадим. У икки йил олдин хорижга ишлагани кетиб, одам савдоси қурбонига айлангани, не-не азобу уқубатда юргани, юртимизга омон қайтганига хурсанд эканини айтганида очиги, ичимда бир нарса узилгандай бўлди.

— Нафс балоси курсин, — дейди у синиқ овозда. — Тоғамнинг фермер хўжалигида бинойидек ишлаб юргандим. Хою хавасга берилиб, ота-онамнинг хай-ҳайлашига қарамай четга ишлагани кетмаганимда бу кўргуликлар йўқ эди...

Таассуфки, орамизда тез ва осон пул топиш, енгил йўллар билан хузур-халоватда яшашга интиладиган ёки ўз ҳақ-хуқуқини билмайдиган, оқни қорадан ажрата олмайдиган гўр ёшлар ҳам бор. Аммо, ўйлаб кўрилса, сарсон-саргардонликда топилган ўша маблагни ота-онанинг бағрида юриб ҳам топса бўлади. Бунинг учун имконият кенг, шароит етарли. Фақат ўзи танлаган касби-кориға меҳр ва садоқат билан ёндашилса, қаноат ва сабр-тоқат билан ҳаракат қилинса кифоя. Ана шундай инсонлар касбидан камол топади, уларнинг топган-тутганида барака бўлади, оиласига, жамиятга фойдаси тегади.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлашнинг мақсадли дастурлари изчиллик билан амалга ошириляётди. Аиниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги йигит-қизларга қўмаклашишга алоҳида эътибор қаратиляётгани уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, ҳаётга тўғри муносабатини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишлар

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ИНСОН ЎЗ ВАТАНИДА АЗИЗ!

самарадорлигини янги босқичга кўтарди. Бугун яратилган кенг имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ўз ҳаёт йўлини белгилаб олган, оиласи фаровонлигиға, ватани равнақиға муносиб ҳисса қўшаётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бораётгани қувонарли. Уларнинг айримлари билан яқиндан танишиб, меҳнат фаолияти, орзу-истаклари билан қизиқдик.

Навоийлик Қамбарали Наврўзов йигирма икки ёшда. Оилада тўрт фарзанднинг кенжаси. 2011 йили Навоий давлат педагогика институтини қошидаги 1-академик лицейни тамомлаб, ота-онаси кўмағида ўз бизнесини бошлаган.

— Болалигимдан тадбиркорликка қизиқаман, — дейди у. — 2002 йили онам қандолат маҳсулотла-



Иқтисодиёт

КИЧИК КОРХОНАНИНГ СИФАТЛИ СПОРТ ЖИҲОЗЛАРИ

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш аҳолимиз, аввало, ёш авлодимиз соғлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутишини инобатга олиб, соҳага алоҳида эътибор қаратиляётгани, бу борада спорт иншоотларини ҳар томонлама ривожлантириш ва уларни замонавий инвентарлар билан жиҳозлаш учун барча зарур шароит яратилиётгани алоҳида таъкидланди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасидан маълум қилишларича, 2014 йилда 115 та янги қурилган болалар спортини иншоотлари, сузиш ҳавзалари, умумтаълим мактабларининг спорт залларини жиҳозлаш учун 4,1 миллиард сўмлик, 2004-2012 йилларда қуриб фойдаланишга топширилган объектларни қайта жиҳозлаш учун 16,8 миллиард сўмлик спорт анжомлари ва ускуналари харид қилиниб, ҳудудларга етказилган. Ҳозирда ўзимизда 116 турдаги спорт жиҳозлари ва бир неча хил спорт кийимлари ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳа, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт, аиниқса, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўз-ўзидан спорт товарларига бўлган талаб ва эҳтиёжни оширади. Мазкур йўналиш, яъни спорт муассасалари ҳамда аҳолини сифатли спорт анжомлари билан таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

ри ишлаб чиқарадиган корхона ташкил этди. Мактабда ўқиб юрган кезларимда онамга қарашли асносида тадбиркорликнинг илк сабоқларини олдим. Ишни бошқаришни, ҳисоб-китоб юритиш сирларини ўргандим.

Қамбарали ўз бизнесини йўлга қўйишга астойдил бел боғлади. Оиласи билан бирга 2006 йили «Жалойир» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан 6 сотих ер олиб, иссиқхона ташкил этди ва меҳнатининг илк медаларини кўра бошлади. У эришилган натижа билан тўхтаб қолмади, фаолиятини муттасил кенгайтириб борди. Навоий шаҳридаги санитар ҳудудни ҳимоялаш зонасидан бир гектар ерда иссиқхона курди.

— Иссиқхонамизда асосан помидор ва бодринг етиштирамиз. 12 туп лимон дарахтини ҳам парваришляппимиз. Уларнинг тўққизтаси ҳосилга кирди, — дейди Қамбарали.

— Иссиқхонамизда беш нафар доимий ва ўн беш нафар мавсумий ишчи меҳнат қилади, уларнинг уч нафари коллеж битирувчиларидир.

Қамбарали иссиқхона билан кифояланиб қолмасдан, дарвоза, панжара ва болалар аргимчоқлари ишлаб чиқарадиган корхона ҳам ташкил этган. Ўзининг айтишича, банкдан кредит олиб, хориждан замонавий дастгоҳлар келтириш ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, умумий овқатланиш иншооти ва меҳнат ишлаб чиқариш корхонасини қуриш устида иш олиб бормоқда.

Бу йил Қамбарали учун омадли келди. У Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ташкил этиляётган «Энг фаол ёш мутахассис» кўрик танловининг Навоий вилояти босқичида муваффақиятли қатнашиб, «Энг фаол ёш тадбиркор» йўналишида биринчи ўринни эгаллади ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклигини таъминлаш ҳамда уларнинг устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ролини қучайтиришнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Тадбирда ахборот хизматларининг оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан алоқаларини янада мустаҳкамлаш, жамиятда содир бўляётган янгилик ва ўзгаришлар, воқеа-ҳодисаларни кенг ёритиш, журналистларни давлат органлари ҳузурида аккредитациядан ўтказиш тартиб-таомиллари ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

• Наманган вилоятидаги 118 касб-хунар коллежи ва академик лицейни қирқ уч мингга яқин йигит-қиз битирди. Аини кунларда ўқув масканларида битирувчиларга диплом топириш маросимлари бўлиб ўтмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Наманган педагогика коллежида ўтказилиб, унда 690 нафар битирувчиға мутахассислик дипломи топирилди.

• Навоий вилояти хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида «Оилаға эҳтиром» аёлларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маслаҳат маркази иш бошлади. Марказнинг ташкил этилиши вилоятда аёлларға ҳуқуқий ва ижтимоий қўмак бериш, тиббий ёрдам кўрсатиш, оила институтини ривожлантириш, хотин-қизларнинг диний-маърифий билимларини мустаҳкамлашға хизмат қилади.

• Самарқанд вилояти Пайариқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сервис касб-хунар коллежини бу йил 233 нафар ўқувчи битирди. Яқинда уларға мутахассислиги бўйича дипломлар топирилди.

• Андижонда ижтимоий аҳамиятға молик лойиҳаларни тайёрлашда нодавлат но-тихорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига услубий ҳамда ахборот маслаҳати кўрсатиш, уларнинг давлат гранти танловлари тўғрисидаги хабардорлигини оширишға бағишланган семинар бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• Италиянинг фойдаланувчилар устидан кузатув олиб бориш воситаларини ишлаб чиқишға ихтисослашган Hacking Team компанияси хакерлик ҳужумига учради. Ёвуз ниятчилар Hacking Team'дан 400 гигабайт ҳажмдаги ҳужжатлар, кодлар ва электрон ёзишмаларни ўғирлаб, уларни торрентларға жойлаштирди. Улар орасидан Hacking Team бош директори Кристиан Поццининг ижтимоий тармоқлар, онлайн-банкнинг хизматлари ва роутерлардаги пароллари ҳам жой олди.

• New Horizons сайёраларо станцияси Плутоннинг 12,5 дан 14,9 миллион километрғача бўлган масофадан олинган янги суратларини узатди. Суратлар 1-3 июль кунлари олинган. 4 июль куни New Horizons станцияси фаолиятида узилиш юз берди. Станция компютери хавфсиз режимға ўтди. Унинг амал қилиши давомида қурилма илмий маълумотлар тўплай олмади. Миссия раҳбарлари носолиқнинг барта-раф этилганлиги ва бундан кейин тўлиқ ишлаб бошлашини маълум қилди.

• Япониянинг Real-f Co. компанияси сунъий инсон юзини ишлаб чиқишдаги илк муваффақиятларға эришганини маълум қилди. Силикондан ясаладиган сунъий юзлар келажақда юзни жиддий пластик тўғрилашға муҳтож бўлган одамлардаги тиклаш операцияларида қўлланилиши мумкин. Компанияға ҳозирданок таникли ишбилармонлар, сиёсатчилар-у шоу-бизнес вакилларида тортиб аварияларда ёки хайвонлар ҳужумидан жиддий жароҳат олган ёки оғир касаллик тўғйили юзига зарар етган оддий инсонлар буюртма беришни бошлаган.

Японияда Ўзбекистон Республикасининг Токиодаги элчихонаси томонидан «Ўзбекистон кечаси» деб номланган тадбир ўтказилди. Унда Кунчиқар мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва илмий-академик доиралари вакиллари, жамоат арбоблари ҳамда журналистлар қатнашди.

«Ўзбекистон кечаси»да юртимизнинг бой тарихи ва замонавий тараққиёти, мустақил ривожланиш йиллари давомида ҳаётга тадбиқ этилган ислохотлар ҳамда уларнинг салмоқли натижалари, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жабҳаларда қўлга киритилган муваффақиятлар мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди.

Учрашувда сўзга чиққан Япония баш вазирининг ўринбосари, молия вазири, «Ўзбекистон билан дўстлик» парламент лигаси раиси Таро Асо мамлакатимиз билан жуда яқиндан таниш эканлигини алоҳида таъкидлади.

— Ўзбекистонга илк мартаба 1997 йили борган эдим, — деди Таро Асо. — Ундан кейинги таширларим чоғида мамлакат ҳаётининг барча соҳасида рўй берган салмоқли ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдим. Қўлай жўғрофий жойлашув, бой табиий ресурслар ва юқори интеллектуал салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон ҳақида равишда Марказий Осиёнинг етакчи давлатларидан биридир.

Шу билан бирга, Ўзбекистон неча-неча асрлар давомида Буюк Ипак йўлининг маркази бўлиб келган, унинг Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент сингари тарихий шаҳарлари эса бутун Евроосиё ҳудудида илм-фан ҳамда ма-

даният ўчоғи сифатида донг таратган.

— Ўзбекистон биз учун муҳим стратегик шерик ҳисобланади, — деди Япония иқтисодий тикланиш вазирининг катта ўринбосари Ясутоши Нишимура. — Ўтган йиллар давомида икки томонлама муносабатларимиз барқарор ривожланмоқда. Мамлакатларимиз

ТОКИОДА «ЎЗБЕКИСТОН КЕЧАСИ»

кўпгина йўналишларда ҳамкорлик қилаётир, халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаётди. Мунтазам равишда уюштирилаётган таширлар ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтиришга кўмаклашмоқда.

Шунингдек, биз Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари сақланиб қолаётганини ҳамда хорижлик сармоядорлар учун қўлай шароитлар яратилганини юксак баҳолаймиз. Чуқур ҳамда пухта ўйланган ислохотлар тўғрисида республика замонавий, тараққиёт ва демократия йўлидан ишонч билан бораётган, ривожланиш

сари дадил интилаётган давлатга айлан-ди.

— Ўзбекистон халқаро муносабатлар тизимида муҳим ўринни эгаллайди, — дейди ННХ телерадиокомпанияси вакили Кацуки Эбисава. — У дунёнинг кўпгина мамлакатлари, шу жумладан, Япония билан ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатган. Япония Ўзбекistonнинг Марказий Осиё минтақасидаги етакчилик ўрнини теран идрок этгани ҳолда у билан ҳамкорлик қўламини кенгайтиришга интилади.

Ўзбекистон замида турли даврлар ҳамда цивилизацияларга оид қарийб 8 мингта меъморий ва тарихий-маданий ёдгорлик мавжуд. Уларнинг аксарияти ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатидан жой олган.

Токио университети ректори, профессор Макио Такемура

ҳозирги пайтда икки мамлакат ўртасида таълим соҳасида самарали шериклик муносабатлари мавжуд эканлигига тўхталди.

— Япония университетлари Ўзбекистон олий ўқув юрлари билан ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйган, — деди у. — Малака ошириш дастурлари, қўшма илмий лойиҳалар ҳаётга тадбиқ этилаётгани, илмий-амалий конференция, форум ва турли учрашувлар ўтказилаётгани қувонарли ҳолдир.

**«Жаҳон» АА,
Токио**

Ўз жазирамаси ўз забтига олаётган шу кунларда чанқовбосди ичимликлардан кўп истеъмол қиламиз. Бежирим қадоқланган, сифати яхши андозаларига мос, турининг кўпчилиги билан кўзни қувонтирадиган чанқовбосди ичимликлар асосан маҳаллий хомашёдан тайёрлангани харидорларга манзур бўлаётир.

САЛҚИН ИЧИМЛИКЛАР ТАНГА РОҲАТ, ЮРАККА ҚУВВАТ

Мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда озиқ-овқат ва мевани қайта ишлаш саноати улуғи 16,1 фоизни ташкил этади. Бугунги кунда ушбу соҳада олти юздан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. Энг замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган корхоналарда юздан ортиқ турдаги мева-сабзавот шарбати ишлаб чиқарилмоқда. Юртимизда етиштирилаётган, мазаси оғизда қоладиган мевалардан тайёрланган шарбат ва ичимликлар қисқа муддатда жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлди.

Ҳа, бир пайтлар салқин ичимликлар камёб эди. Ҳозир турфа ном ва кўринишда чиқарилаётган сара ичимликларни гипермаркету супермаркетларда, исталган савдо дўконидан хоҳлаганча олиш мумкин. Яхна газли ичимликлар ишлаб чиқариётган компаниялар ҳам кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш борасидаги изчил чоралардан бири саноатда мева-сабзавотни қайта ишлашда ҳам салмоқли ютуқларга эришилди. «Shaffof servis», «Silver», «Baraka», «Arktika Bottlers», «Montella», «Nestle Pure Life», «Hydrolife» номлари билан сотувга чиқариладиган минерал сувлар, «Aqua Marin», «Kavsar», «Arctea», «Liberte», «Ays», «Bayce», «Dinay», «Smile» ва бошқа кўплаб номлардаги сифатли салқин ичимликлар, «Heuy», «Dena», «Meva» каби шарбатлар харидорларга таниш.

«Master Global Plus», «Yevro fud trey», «Agromir-Samargand» каби йирик корхоналарда мева-сабзавот шарбатлари, концентратлар, консерва маҳсулотлари, яхна чойлар ва сувлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу ичимликлар нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам ўз ўрнини топишга улгурган, ўз харидорларига эга.

Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмасида маълум қилишларича, Ўзбекистондан дунёнинг саксондан ортиқ давлатига бир юз саксон турдан зиёд сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар экспорт қилинмоқда. Мамлакатимиз ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, қарам ва бошқа кўплаб мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми бўйича дунёда шундай маҳсулотларни етказиб берувчи ўнта етакчи давлат қаторига қиради. 2015 йилнинг ўтган даврида мева шарбатлари ишлаб чиқариш бўйича ўсиш кўрсаткичи 2011 йилга нисбатан 142 фоизни ташкил этмоқда.

Буюк аллома Абу Али ибн Сино узок умр кўриш ва саломат

бўлишнинг шарти сифатида мева ейишни тавсия этган. Инсон организм учун кўплаб фойдали хусусиятларга эга меваларнинг шарбати ҳам дармондориларга бой.

Шарбатлар С витамини ва аскорбин кислотасининг асосий манбаи ҳисобланади. Шарбатнинг кўпчилиги тури прорвитамига тўйинган. Баъзи шарбатлар таркибиде юқори даражадаги В1 ва РР витаминлари мавжуд. Турли-туман шарбатлар таркиби таҳлил қилинганда, уларда бугунги кунда фанга маълум бўлган барча дармондорилар мавжудлиги аниқланган. Витаминларга бой бўлган шарбатлар иммунитетни мустаҳкамлашда ва инсоннинг стрессларга қарши бардошлилигини оширишда ёрдам беради, моддалар алмашувини яхшилайди.

Президентимиз Ислам Каримов 2014 йил 5-6 июнь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги маърузасида қуйидагиларни алоҳида таъкидлади: «Жаҳонда камдан-кам учрайдиган табиий ва тупроқ-иклим шароитларининг уйғунлиги тўғрисида дунёдаги энг мазали ва энг фойдали мева-сабзавотлар фақат бизнинг минтақамизда етиштирилиши мумкин».

Ана шундай сархил ва тотли меваларнинг шарбати, икклими мўътадил тупроқнинг сувлари ҳам саломатлиқни тиклашда алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, соғлом турмуш тарзи қоидалари, тўғри овқатланиш меъёрлари, кунлик суяклик истеъмоли тартибларини бажариш муҳимдир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, юртимизда етиштирилаётган барча қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари бебаҳо истеъмоли хусусиятлари, яъни, таркибиде табиий шаклар, амино ва органик кислоталар, саломатлик учун энг зарур бўлган микроэлементлар ва озиқ-овқат рақсониде ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги билан ажралиб туради.

2013-2015 йилларда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари асосида жойлардаги мавжуд хомашё ресурслари инобатда олиниб, корхоналар сафи кенгайтирилмоқда. Мева-сабзавотни қайта ишлаш соҳасида янги корхоналари ташкил этиш ва фойдаланилаётган ишлаб чиқариш объектлари фаолиятини қайта тиклаш борасида олиб бориладиган ишлар самарасида ўнлаб корхоналар қайта ишга туширилди. Маҳаллийлаштириш дастури асосида 2013 йилда 13 лойиҳа доирасида 21 миллиард сўмлик маҳ-

сулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2015 йилда лойиҳалар 22 тага етказилди ва 50 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (ФАО) маълумотларига кўра, дунё бўйича етиштирилган мева-сабзавотларнинг 35 фоизи, яъни 500 миллион тоннаси фойдаланилаётган бўлиб қолган. Истиқлол йилларида юртимизда мева-сабзавот етиштириш, уни йиғиб олиш, сақлаш, саралаш, ишлов бериш, қадоқлаш, истеъмолига етказиб бериш бўйича замонавий иш услублари ва илгор технологияларнинг жорий этилиши ҳисобида хомашё йўқотилишининг олдини олиш чоралари кўрилмоқда.

Мамлакатимизда маъданларга бой ери ости сув манбалари кўп. Аини пайтда махсус компонентсиз ва хоссали, азот-ишқорли иссиқлик манбалари, бўрли, органик моддалар, олтин-гургурт-водородли, радионли, йодли минерал сувлар истеъмоли кенгайган. Бундай шифобахш сувни қадоқлаб аҳолига етказиш ҳам изчил ривожланмоқда. «Богизогон», «Омонхона», «Афросиёб», «Севинч» ва бошқа кўплаб маъданли сувлар ҳам чанқовбосди ичимлик сифатида ва шифобахшлиги билан аҳамиятлидир. Бугун юртимизда маъданли ичимлик сувининг етимиш турдан ортиги сотувга чиқарилмоқда.

...Яқинда қишлоғимизга бордим. Фаровон турмуш, тинч-осойишта ҳаётдан мамнун отамнинг юзиде қувонч балқийди. Бугунги ўзгаришлар хусусида тўқилганиб сўзлайди:

— Қўшнимиз Умиджон яқинда ўриқни қайта ишлашда кичик цех очди. Олтинсой тумани аҳолисини шарбат билан таъминлапти. Ҳозир аини пишиқчилик. Жуда яхши бўлди-да...

Бундан чорак аср муқаддам қишлоқларда ҳам корхоналар бўлади, маҳсулот учун шаҳарга боришга ҳоҳат қолмайди, деса, эртадек туюларди. Бугунги қишлоқлар барча соҳада шаҳардан қолшмайди.

Кўча бўйига пишиқ гиштдан қурилган чиройли дўконлардан излаганингизни топасиз. Гўшт керакми ё салқин ичимликми, канцелярия моллари ёки кир ювиш воситалари дейсизми — ҳаммаси бор. Буларнинг барчаси истиқлол шарофати, Президентимиз раҳнамолигида юртимизни янада обод этиш, халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини изчил оқсатириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар самараларидир.

**Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎЗА муҳбири**

ИНСОН ЎЗ ВАТАНИДА АЗИЗ!

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Ниятларим чексиз, — дейди у ЎЗА муҳбирига. — Насиб қилса, фаолиятимни янада кенгайтириб, вилоятимиз аҳолисининг турмуш фаровонлигига, дастурхон тўқиллигига ўз ҳиссамни қўшиш энг асосий мақсадимдир.

2013 йили Янгийўл ижтимоий-иқтисодиёт коллежининг молия бўлимини битирган Асрор Сатторов ўша йили ўз бизнес режаси билан тендерда ғолиб бўлди. Эллик уч гектар ер олиб, «Агробанк» Янгийўл тумани бўлимининг имтиёзли кредити эвазига «Саттор Асрор» фермер ҳўжалигини ташкил қилди.

— Ҳўжалиқни ташкил этиш ва уни бошқаришда давлатимиз раҳбари томонидан ёш тадбиркорларга яратилаётган кенг имкониятлар муҳим омил бўлаётир. Қолаверса, коллежда олган билимларим ҳам бунда асқотмоқда, — дейди Асрор. — Ҳўжалиғимизда асосан галла етиштирилади. Ўтган йили шартнома мажбуриятини 110 фоизга етказиб бажардик. Бугунги кундаги ишчиларимиз, қишлоғимиздаги ҳам таъминланган оилаларга тарқатдик.

Асрор ёш бўлишига қарамай, деҳқончиликнинг ҳадисини олган йигитлардан. Ҳар қарич ердан унумли фойдаланишга одатланган. Фермер ҳўжалиғига қарашли ернинг 34 гектарига бугдой экса, қолган қисмида картошка, сабзи, помидор, бодринг, қовун, тарвуз етиштириб, бозорларимиз тўқин-сочинлигига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ҳўжалиқда 8 ишчи меҳнат қилаётир. Уларнинг уч нафари коллежни битирган ёшлар экани қувонарли.

— Меҳнатимизга яраша даромад ҳам кўраямиз, — дейди ёш фермер. — Келажакда қўзлаган режаларим, мақсадларим талайгина. Ҳўжалиғимизни янада кенгайтириш, иш ўринларини яратиш, чорвачилиқни ташкил этиш, овқатланиш ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини барпо этишни ният қилиб турибмиз.

Пойтахтлик Феруза Бобокўлова 2014 йили Тошкент иқтисодиёт ва бизнес коллежининг ҳўжалик масалалари ҳўқуқшуноси йўналишини муваффақиятли тамомлади. Унинг устозларидан олган билими, ишлаб чиқариш амалиётида олган кўникмалари ишга киришда қўл келди. Ҳозирда у Тошкент ирригация ва мелиорация институтини қўшидаги кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказида ўқув устаси бўлиб фаолият юритаётир.

Ферузадан иши ҳақида сўраганимизда бундай жавоб берди:

— Ишининг осони бўлмайди. Инсон қайси соҳада меҳнат қилмасин, ўз олдига эзгу мақсад қўйиб яшаш, қийинчиликларни сабр билан енгиши керак. Шундагина у нафақат ўзини тарбиялайди, балки эл-юртига нафи тегади.

Феруза оилада уч фарзанднинг тўнғичи. Шу боис, у нафақат ишда фаол ҳодима, балки ўй ишларида онасига яқин кўмақдош. Уқаси аини пайтда опаси тамомлаган коллежининг ўқинчи босқичига ўтган бўлса, синглиси умумтаълим мактабиде таҳсил олмоқда. Ота-онаси фарзандларининг илмга чанқоқлигидан, ўқиб, билим олиб, жамиятга фойдаси тегадиган инсонлар бўлиб вояга етиш мақсад қилганидан хурсанд.

— Отам Тошкент қишлоқ ҳўжалиги техникаси заводиде, онам мактабгача таълим муассасасида меҳнат қилади, — дейди Феруза. — Бизларни ҳеч кимдан кам қилмай, ҳалол пешона тери билан вояга етказди. Уларнинг олдидеги фарзандлик бурчимизни адо этиш ҳам қарз, ҳам фарз. Аини пайтда Тошкент ирригация ва мелиорация институтига ҳўжжат топширганман. Насиб қилса олий ўқув юртида таҳсил олиш ниятидаман.

Бугунги сўқбатдошларимиз элим деб, юртим деб, ёниб ашайдиган, ўзини Ватан тараққиёти, жамият равнақи, оиласининг фаровонлигига дахлдор, деб билган ёшларнинг баъзилари, ҳолос. Ана шундай ёшлар сафи тобора кенгайиб бораётгани мамлакатимизда ёш авлодининг билим олиши, касб-ҳўнар эгаллашини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган доимий эътибор ва ғамхўрлик тўғрисида.

Дарвоқе, яқинда Азиз кўнгирик қилди. Бу сафар овози қувонч эди: «Тоғамнинг ёнига қайтиб, ишчи бошлаб юбордим. Августда тўй қиламиз, албатта кел, — деди у. — Инсон ўз Ватанида азиз экан, дўстим! Кеч бўлса-да, кўзим очилганидан хурсандман».

Байрам АЙТМУРОВОВ

УНИВЕРСИТЕТ МАГИСТРАТУРА ДАСТУРЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ

Тошкент Халқаро Вестминстер университети (ТХВУ) 2012 йилда ташкил топган бўлиб, Ўзбекистонда биринчи халқаро тоифадаги университет ҳисобланади. Бугунги кунда юртимизнинг энг илгор ва етакчи олий ўқув юртиларидан бири бўлган ТХВУнинг магистратура бўлимида «Халқаро бизнес ва менежмент» (MA in International Business & Management), «Халқаро тижорий ҳўқуқ» (LLM in Commercial Law) ва «Муаллимлар учун махсус малака ошириш курси» (Pg Cert Special Study in Learning & Teaching) итисосликлари бўйича ўқув дастурлари тақдим этилмоқда.

Барча магистратура дастурлари Лондон Вестминстер Университети томонидан расман тасдиқланган бўлиб, танланган йўналиш бўйича олий тоифадаги халқаро таълим ва дипломга эга бўлмоқчи, турли хил ташкилотларда бошқарувчи ва етакчилар таркибига қўшилиш истагида бўлганлар учун мос келади. Ўқиб келчи пайт соат 18:00дан кейин ўтказилиши тўғрисида ҳам ўқиб, ҳам ишлашни истаган талабалар учун жуда қўлай.

«Халқаро бизнес ва менежмент» (MA/BA) тўхтовсиз ошиб бораётган бизнес ва менежментга оид билим ва тажриба глобаллашувига катта аҳамият қаратади, менежментнинг барча кўринишлари билан интенсив таъиништуру орқали талабаларни халқаро бизнесда илмий тажрибаларини таъбиқ этишга ўргатади.

«Халқаро тижорий ҳўқуқ» (LLM) Ўзбекистон ва Марказий Осиё микёсида ўзига хос дастур бўлиб, талабаларга тижорий ҳўқуқ йўналишини халқаро стандартларга мос равишда ўрганиш имкониятини яратди.

«Муаллимлар учун махсус малака ошириш курси» (Pg Cert) ўз профессионал маҳоратини оширишни истаган ўқитувчилар учун мўлжалланган ва Европа мамлакатларида жорий қилинган мустақил билим шакллантириш методикасини қўллашда ўқитиш, билим олиш, баҳолаш ва дарс жараёнини бошқариш учун зарур билимларни беришни ўз ичига олган.

«Туркистон-пресс»



КИЧИК КОРХОНАНИНГ СИФАТЛИ СПОРТ ЖИҲОЗЛАРИ

(Давоми. Боши
1-бетда)

— Маҳсулотларимизга талаб тобора ортиб бормоқда, — дейди «Asia-sport S» хусусий фирмаси раҳбари, техника фанлари номзоди Саидрахмед Камолов. — Шунга монанд маҳсулот сифатини пасайтирмаган ҳолда, ишлаб чиқариш ҳажмини имкон қадар оширишга ҳаракат қилмоқдамиз. Маҳсулотларимиз тўлиқ маҳаллий хомашёдан тайёрланади, улар сифати жиҳатидан хорижники билан бемалол рақобатлаша олади, нархи эса 20-30 фоиз арзон. Йигирмага яқин доимий ишчи-хизматчи ва ўндан зиёд касаначилар меҳнат қилаётган жамоамизнинг аксарият қисмини ёшлар ташкил этади.

2014 йили корхонада 5 миллиард сўмдан зиёд маблағ айланган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткичнинг янада ошириш кутилмоқда. Маҳсулот экспорти бўйича ҳам тегишли чоралар кўрилатир.

Ўзи ҳам катта майдонларда тўп сўриб, муҳлислар олқишига сазовор бўлган С. Камолов 1995 йилда спорт жиҳозлари ишлаб чиқариш ҳақида ўйлаганда, корхона фаолиятининг хозиргидек ривожланиб кетишини тасаввур ҳам қилмаганди. Сперо, ўша пайтларда 2-3 та спорт анжомлари ишлаб чиқарган, асосан четдан спорт жиҳозлари келтириш савдоси билан шуғулланган кичик корхонанинг имкониятлари хозирда кўн сайин кенгаймоқда. Бунда эса юртимизда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этди.

**Зиёда ВОХИДОВА
Козим Ўлмасов олган
сурат**

Коммунал тўловлар: бурч ва масъулият

Ҳар фаслнинг ўз гашти ва таровати бор. Ўлкамизда жирирама иссиқ ҳукм сураётган бўлса-да, бироқ ҳамма ёқда пишқирилиб, мева ва сабзавотлар фарқ пишган палла. Халқимизда «Қиш ёпинчнинг кўйи, ёзда ўзинг биласан», деган ажойиб ҳикмат бор. Бу бежизга айтилмаган, албатта. «Ўзинг биласан» ибораси ҳозирдан ҳаракатингни қил, акс ҳолда кечиксан деганидир. Зеро, қишга тайёргарлик доимо ёздан кўрилади.

Шу кезларда томлар, йўлаклар, фасадлар таъмирланади, ертўлаларда сув йиғилиб қолган бўлса, қуёвлар алмаштирилиб, камчиликларга барҳам бериш чоралари кўрилади. Албатта бу каби юмушларга маблағ сарфланади. Бу борада яшовчиларнинг бир ёқадан бош чиқариб, ширкатлар билан ҳамкорликда ободлик ва озодаликни таъминлашга ҳаракат қилишлари, коммунал тўловларни ўз вақтида тўлаб беришлари талаб этилади.

Дарҳақиқат, шахримиз аҳолисининг катта қисми кўпқаватли уйларида яшайди. Хўш, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, куз-қиш мавсумига тайёргарликми? Муаммолар йўқми? Томдан чакка ўтмайтирми? Қишдан сўнг қаердадир қуёв тешилиб қолмаганими?.. деган саволларга жавоб топиш мақсадида ҳамроҳларим билан шахримиз мавзелирини айландик. Кўнгли қувонадиган ерлар кўп, Худога шукр. Талай кўпқаватли уйлarning кириш йўлаклари таъмирланган, атрофлари ҳам озода ва кўкчалароз. Кўпгина фуқаролар ширкатлар ёрдамида хонадонлари эшикларини, унинг атрофларини таъмирлашмоқда. Одамнинг кўли гул. Қимирлаган қир ошар, деганларидек, теккан жойи борки, кўрк очади. Табиатимиз қизик-да, қўшнинг эшикларини бўяб, ялтиратиб қўйган бўлса ҳам кўриб, дилинг қувонади. Гўзаллик гўзаллик-да. Эртага сен ҳам ҳаракатга тушасан. Ўзингизда бўлса керак, ўтган сафар бир нечта маҳаллаларда кўрган камчиликларимизга барҳам берилганидан хурсанд бўлдик.

Шундай яхши кайфият билан кезиб юрган эдик, бир киши бор дардини тўкиб солди:

— Биз яшайдиган кўпқаватли уй анчадан бери таъмир нимадиганини билмайди. Ҳар қиш ертўладаги қуёвлар ёрилиб қолади, хомут ўрнатавериш, чарчаб кетди. Кўпроқ ёмғир ёгса томдан чакка ўтади. Ширкат яхши ишламайди...

Гапни бўлишимизга тўғри келди:

— Шошманг, аввал ана шу сабабларини ўрганайлик, дўппини олиб қўйиб, мулоҳаза қилайлик. Ширкатлар ҳам олдин тахшиш қўлади, сўнг касални даволайди. Ахир ширкатни ўзингиз сайлагансиз-ку! Уларга мурожаат қилмадингизми?

Атрофимизга шу уйда яшовчи одамлар йиғилган эди, дарагини эшитган ширкат аъзолари бир зумда пайдо бўлишди. Ширкат бошлиғи «темир» дафтари оиди, шу уйдаги жами хонадоннинг ярмидан кўпи коммунал тўловидан каттагина қарздор бўлиб чиқди.

Тўғри, бизга юзланган отахоннинг ўзлари барча тўловларни вақтида тўлаб қўйган эканлар. Аммо энг ёмони, у киши ва бошқалар қарздорлар касрига қолаётти. Дафтарга кўз ташлар эканмиз аксарият нафақадагилар — коммунал тўловлар борасида жуда бартариб эканлигининг гувоҳи бўлдик. Афсуски, баъзи хонадон эгаларининг шароитлари бўла туриб, тўлов масаласини ўта лоқайдлик ва бепасандлик билан мутасил пайсалга солишадиганликлари кўриниб қолди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

— Бу хонадонлар «Тошхиссиликкуввати»дан ҳам, «Сувсоз» трести унитар корхонасидан ҳам, электрдан ҳам, газдан ҳам, «Махсустрас» хизматидан ҳам кўп қарздор, — деди ширкат раҳбари. — Улар тўловларни ўз вақтида тўлаб бормаса, маблағсиз уларнинг ўзини таъмирлай олмай-миз-ку.

Ҳақ гап. Халқимизда қарс икки қўлдан чиқади, деб бежиз айтмайди. Юқорида биз кўп қаватли уйлар ҳақида фикр юритдик. Умуман олганда, кўпича кўпқаватли уйлarning ободлиги, тозаллиги ва яшовчиларнинг қарздорлигини гапирмиш, назардан қол-

дирмаймиз. Доимо ерли маҳаллаларни уларга намуна қилиб кўрсатамиз. Аслида шундайми? Фикримизча, унчалик эмас. Ободликка ҳисса қўшмайдиган, йиллаб қарзларини тўламай юрадиган айрим «бойваччалари» бор ҳовли-жойли маҳаллаларни ҳам кўрганимизда шунга амин бўлдик. Қизиғи шундаки, туппа-тузук ишда ишлайдиган, топиш-тутиши яхши, икки қаватли дангиллама баланд иморатлар соҳибларининг коммунал тўловлардан каттагина қарзлари борлиги аниқланди. Уларнинг тўлашга бўйинлари ёр бермасдан пайсалга солишларини ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди. Ахир инсоф ҳам керак-да.

Биргина «Тошгаз» корхонасидан олинган маълум-

Зийрак бобо шаҳар кезади

АВВАЛ ҚАРЗНИ ТЎЛАНГ,
КЕЙИН ХИЗМАТНИ СЎРАНГ!

молларни таҳлил қилиб кўрайлик, буюғига хулосани ўзингиз чиқарасиз.

Жорий йилнинг июнь ҳолатига кўра катта ҳажмдаги қарздорлиги мавжуд истеъмолчиларнинг борлиги маълум бўлди. Ҳатто айримларнинг қарзи бир миллиондан ортиб етти миллион сўмдан ортиқ миқдордаги маблағни ташкил этаётган экан.

Юқорида таъкидланганидек, айниқса ҳовли-жойли маҳаллаларда қарздорларнинг кўпчилиги кишини ажаблантиради. Чунончи, маҳаллалар кесимида газдан энг катта қарздорлик ҳақида тўхталадиган бўлсак, Мирзо Улуғбек туманидаги «Узумзор», «Дархон», «Салар», «Олтинтепа», Яшнобод туманидаги «Янгиобод», «Олмос», «Гўзал», Маҳадий номи, Юнусобод туманидаги «Гулистон», Фирдавсий ва Ғайратий номи маҳаллалар, Олмазор туманидаги «Ахил», «Мойарик», «Бешқўрғон», «Анаобод» ҳамда Шайхонтохур туманидаги «Ипакчи», «Лабзак» маҳаллаларидаги истеъмолчиларнинг каттагина қарзлари бўлса-да, ҳар хил баҳоналарни рўқча қилиб вақтида тўламай юришибди.

Фақат табиий газдан аҳоли ва корхоналарнинг шундай катта қарзи бор экан, сув, электр, маиший чикиндиларни ташвиш бўйича ҳам қарзларнинг анча миқдорда эканлигига ишонаверинг.

Ахир табиий газдан уйни иситиш, овқат қилиш, чой қайнатиш учун, иссиқ сувдан ҳам узлуксиз фойдаланса, ҳақи тўланмаса наҳотки кишининг виждони қийналмайди? Танамизга бир ўйлаб кўрайлик, чироқ ўчди, газ пасайди, сувнинг босими йўқ мейвизу, ҳақини тўладингми? дея ўзимизга савол беришни эп кўрмаймиз.

Беихтиёр бу дунёдан ўтган бир отахоннинг ўғлига айтган насиҳатини эсладик.

— Бирон-бир кишининг қарзини тўла, амалга оширган бўлдинг, қилган эксонинг қабул бўлмаслиги мумкин. Чунки биронининг сенда ҳақи бор. Аввал ўшанинг ҳақини тўлаб қўй, — деган эканлар раҳматли отахон.

Ҳикматга айланган бу гапларни деярли барча йи-



гин ва маросимларда кўп эшитамиз, баъзиларимиз унга амал қилмаймиз.

Маълумки, аҳоли, корхона, ташкилотларга табиий газ, сув, электр қувватини узлуксиз етказиб бериш, чиқиндиларни вақтида олиб кетишнинг катта сарф-харажатлар ва куч талаб этиши ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, соҳа ходимларининг меҳнатини қадр-

лаб ўз вақтида бурчимизни бажаришни унутмайлик. Барча хизматлардан фойдаланишдан аввал ҳисоб-китобни жой-жойига қўйиб олиш керак-да. Узумини егину боғини суриштирма, деган мақолнинг даври ўтган. Узумини едингизми, яъни сувидан ичдингиз, иссиқ сувида чўмилдингиз, идиш-товок, кир ювдингиз, уй-

ингизни иситдингиз, газида чой дамлаб, овқат пиширддингиз, токидан фойдаланиб, уйлaringизни чароғон этдингиз, телевизор музлатгич, чанготгич соқол олгичгача ишлатдингизми, энди уларнинг ҳақини биров тўлаб қўймайди-ку.

«Бетга айтганнинг захри йўқ» деганларидек, бу масаланинг ечимиде қарздорларга жамоатчилик, маҳалла-қўй, қўни-қўшниларнинг таъсир этиши ўта муҳимдир.

Шу ўринда яна бир гап. Маълумки, коммунал хизматнинг ҳар бир тури учун ўзининг иш қийми жорий этилган. Яъни, «Махсустрас», газ ёки электр тармоқлари корхонаси — барчасининг бири-биридан фарқ қилувчи махсус қийматли бўлиб, уларни қўғанда қайси хизмат кўрсатувчи ташкилотдан эканлигини билиб олишингиз қийин эмас. Бироқ кейинги пайтларда жойларда иш қийимидеги соҳа ходимларини деярли кўрмаймиз. На-тижада, баъзи эгри товламачиларнинг домига тушиб қолиш ҳолатлари учрамоқда. Мана шу масалага ҳам мутасаддиларнинг жиддий эътибор қаратишлари лозим бўлади.

Биз-сизлар билан муҳим мавзуда мулоҳаза юритдик. Шояд кўпчилик қарздорлар шу улуг Рамозон кунларида инсоф юзасидан коммунал хизматлар учун йиғилиб қолган тўловларини тўлаб қўйишса, Балки бундан кейин коммунал тўловлардан катта миқдорда қарзлари бор кишиларнинг иш жойларида яшаш манзиллари билан «таништириб» бориш керакмикан, деган фикр кўнглимиздан ўтди.

Келинг азизлар, лоқайдликка берилмай, коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлаб қўй-лик. Ана шунда эҳтиёжларимиз билан боғлиқ муаммоларимизнинг бари осон ечилади.

Зеро, машойиҳлар айтганидек, аввал қарзни тўланг, кейин хизматни сўранг.

Шундай эмасми?

Зийрак бобога «Оқшом» мухбирлари
Дилмурод ИСМОИЛОВ,
Зафар НАЗАРОВ ҳамроҳлик қилди.

ҲАЛОЛЛИК ВА
ВИЖДОН ҲАҚИДА

Ҳалоллик — дилнинг
куёши.

Ҳалоллик — кўнгилга
қанот.

Ҳалоллик — хижолатни
танимайди.

Ҳалолликнинг қадди —
ҳақиқат қаршисида дои-
мо тик.

Виждон — покликнинг
сардори.

Виждон — одамийлик-
нинг дуру гавҳари.

Виждони пок одам
гурурлидир.

Одамийликнинг тақдири
виждоннинг қўлида.

Виждон губорсиз бўлса,
ҳаёт озорсиз бўлади.

Одамнинг тили гапира-
ётганда, виждони кулоқ
солиб туриши керак.

Виждон — гуноҳкорни
ўз ёғига қовуради.

Виждон яраси битмай-
ди.

Соф виждонлилик —
одамнинг бахтидир.

Виждон — одамнинг
қадр-қимматидир.

Одам лоқайд бўлса,
виждони ухлаб қолади.

Виждондаги доғ —
кўнгилнинг кулфати.

Инсоф — виждоннинг
фарзанди.

Яширилган гуноҳ —
виждоннинг кемирувчи-
сидир.

Бир одамнинг виждони
— ўзигагина эмас, бош-
қалар учун ҳам аҳамият-
лидир.

Виждонсиз — сувни
лойқатади.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ
МАЪНАВИЯТИНИ
ЮКСАЛТИРИШ — БУРЧИМИЗ

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида
маънавиятни юксалтириш мавзусида давра
суҳбати ўтказилди.**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюш-
маси раиси М.Аҳмедов, Бас-
такорлар уюшмаси раиси
Р.Абдуллаев, адабиётшунос
олим, академик Б.Назаров,
Ўзбекистон халқ шоирлари
А.Обиджон, И.Мирзо ва бош-
қалар Президентимиз Ислам
Каримов раҳнамолигида мил-
лий адабиётимиз, санъат ва
маданият, таълим-тарбия со-
ҳаларининг равнақ топириш бо-
расидаги саъй-ҳаракатлар на-
вқирон авлод маънавиятини
юксалтиришдек эзгу мақсад-
га йўналтирилганини таъкид-
лади.

Мамлакатимизда янги-янги
ўқув даргоҳлари, санъат қошо-
налари, болалар мусиқа ва
санъат мактаблари барпо эти-
лаётгани ёш авлодни ҳеч ким-
дан кам бўлмаган, фаол фуқа-
ролик позициясига эга, ватан-
парвар, фидойи, миллий гуру-
ри баланд инсонлар этиб қа-
молга етказишда алоҳида аҳамият
қасб этмоқда. Санъа-
тимиз ривожли йўлида кўрса-
тилаётган чексиз меҳр ва
эътибор самарасида Ўзбеки-
стон ёшлари кўпбал нуфузли
халқаро кўрик-танловлар,
санъат фестиваллари, концер-
тларда муваффақият қозонмоқ-
да.

Бироқ енгил-елли қўшиқлар
ҳам яратилиб, ҳамон концерт-
ларда ижро этилаётгани, эфир-
га узатилаётгани афсусланар-
ли. Шу билан бирга қўшиқлар
матнларининг маъносиз ва
ғализиллик, мусиқасидаги саёз-
лик, видеоқлипларда хонада-
ларнинг миллий менталитети-
мизга зид тарзда кийиниши ва
ўзини тутиши, рақс-ҳаракат-
лар жамоатчилигининг жиддий
эътирозига сабаб бўлмоқда.

Давра суҳбатида маънавий
тарбия ёшларнинг истиқболли
ва тақдир, миллий ўзлик, му-
қаддас қадриятлар билан ўз-
вий боғлиқ экани эътироф
этилгани ҳолда ушбу масала-
да ижодкор зиёлилар, санъа-
ткорлар, ёзувчи ва шоирлар,
маънавият, таълим фидойила-
рининг масъулиятини янада
ошириш давр талабига айлан-
гани алоҳида таъкидланди.

Бу борада ижодий ва жа-
моат ташкилотлари, вазирлик
ва идораларнинг ўзаро ҳам-
корлигини кучайтириш, бирга-
ликдаги саъй-ҳаракатларни
мувофиқлаштириб боришга
доир амалий чора-тадбирлар
белгилаб олинди.

**Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири**

**Умумтаълим мактаблари ҳамда академик лицей ва касб-хуна
коллежларида фаолият олиб бораётган «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати
бошланғич ташкилот етакчилари ва Ҳаракат аъзолари ўртасида соғлом турмуш
тарзини тарғиб қилиш, улар орқали ўқувчи-ёшларни ОИТС, ОИБ, гиёҳвандлик,
ичкиликбозлик, қашандалик каби салбий иллатлардан асраш мақсадида
«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши ташаббуси
билан «Тенгдошим — тўғри йўл сенинг танловинг!» лойиҳаси ишлаб чиқилди.**

Янги лойиҳалар

САЛБИЙ ИЛЛАТЛАРНИНГ ОЛДИ
ОЛИНМОҚДА

Лойиҳа доирасида «Гиёҳвандлик аср вабоси» мав-
зусида расмлар, «ОИТС ва ОИБ аср вабоси» мавзуси-
да ишлар, «Гиёҳвандлик давр ҳалокати» мавзусида
ижодий ишлар танловлари, маҳалла гузарлари ва таъ-
лим муассасаларида ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик ва ЖИОЮ
касаликларининг олдини олишга қаратилган мини-
сессиялар, «Биз ёшлар гиёҳвандликка қаршимиз» ши-
ори остида ёшлар ўртасида спортнинг шашка тури
бўйича мусобақалар ўтказилди. Шунингдек, таълим
муассасалари ва маҳалла гузарларида ёшларни кенг
жалб қилган ҳолда, ҳамкор ташкилот вакиллари иш-
тирокликда «Биз гиёҳвандликка қаршимиз», «Гиёҳванд
моддаларсиз соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш»
каби мавзуларда маъруза, учрашув ва савол-жавоб ке-
чалари ташкил этилди.

— Бугунги кунда гиёҳвандлик деб ном олган сал-
бий иллатдан туманимиз ёшларини асраш, улар онги-
да ушбу иллатга қарши иммунитет ҳосил қилиш орқа-
ли бўш вақтларни фойдалани, самарали, келажаги пор-
лоқ йўналишларга сафарбар этишни мақсад қилган-
миз, — дейди «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати
Чилонзор туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвидди-
нов. — Лойиҳа доирасида 13-30 июнь кунлари турли
тадбирлар ўтказилди. Албатта лойиҳа доирасидаги ҳар
бир тадбир ва танловларнинг бош мезони ёшларни
соғлом турмуш тарзи тамойиллари асосида тарбия-
лашга хизмат қилади.

Ғафур Ғуллом номидаги маданият ва истироҳат бо-
ғида боғ маъмурияти билан ҳамкорликда «Гиёҳванд-
лик — инсон умрининг заволи» мавзусида маънавий-
маданий тадбир ўтказилди.

Адабий-мусикий ёшлар акциясига туман маҳалла-
ларида истикомат қилаётган ёшлар ҳамда тумандаги

умумтаълим мактаблари қоида ташкил этилган ёғи
болаларни соғломлаштириш майдончалари тарбияла-
нувчилари, «Қамолот» фаоллари, сардор ва бошлан-
ғич ташкилот етакчилари, жами 400 нафар ёшлар та-
қлиф этилди.

Тадбирнинг оқилиш маросимида «Қамолот» ёшлар
ишбилармон ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши раиси
Баҳодир Зиёвиддинов, Тошкент шаҳар наркологик дис-
пансери шифокори Абдумажид Пулатов, Ўзбекистон
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Нуриддин Аминжон-
нов ва бошқалар сўзга чиқиб, гиёҳвандлик инсон орга-
низмиде салбий иллатларга қарамликни олиб келувчи
оғу эканлигини, ёш авлодининг наркомания, ичкилик-
бозлик каби зарарли одатлардан узоқ юриши лозим-
лигини ва албатта ёшларни соғлом турмуш тарзини
танлашлари шарт эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Ташкил этилган тадбир давомида Республика «Бар-
камол авлод» болалар техник ижодиёти маркази ижо-
дий жамоалари, «Турон» ёш спортчилар гуруҳи, Рус-
тамжон Эрматов бошчилигидаги оилавий «Хавас» гу-
руҳи, Ғафур Ғуллом номидаги маданият ва истироҳат
боғи қошида фаолият кўрсатаётган Мансур Кўрёзов
раҳбарлигидаги «Жайхун» кўғирчоқ театри, «Дурдона»
фольклор этнографик ансамбли жамоаси, «Улуғбек
қолдулари» ансамбли хонадалари ўзларининг ёшлар
акциясига бағишланган махсус театрлаштирилган кон-
церт дастурини намойиш этишди.

Шунингдек, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати
Чилонзор туман Кенгаши фаоллари томонидан мавзу
юзасидан ёшлар ўртасида викторина, расмлар тан-
ловлари ташкил этилиб, унинг ғолибларига эсдалик
совғалари тақдим этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Олтинчи босқич: викторина давом этади!

«СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Савол:

«Тошкент-плаза» халқаро савдо кўргазма мажмуаси қачон бунёд этилган?

«Камолот»

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ТАДБИР

«Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Ётақчилар Кенгаши томонидан 243-умумтаълим мактаби қоидадаги «Бойчечак» номли ёзи соғломлаштириш оромгоҳида «Болаликнинг ҳаёлот дунёси» деб номланган маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

«Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасидаги ушбу тадбир ёшларнинг дунёқарашини янада бойитиш, она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, жисмонан ва ақлан ётуқ бўлиб улғайишига кўмаклашиш, миллий урф-одат ва анъаналаримизни асраш ва юксалтириш, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш каби гоёларни сингдириш мақсадида ўтказилди.

Тадбирда ёшларнинг фикрлаш қобилиятини ошириш,

ўз истеъдодларини намоён этишлари учун турли бошқотирма ўйинлар ва қизиқарли психологик тестлар, «Истеъдод шоу» танлови ўтказилди.

«Истеъдод шоу» танловида оромгоҳнинг қобилиятли ўқувчилари миллий ва анъанавий рақс, чет эл рақслари, вокал йўналишлари бўйича ўз маҳоратларини кўрсатишди.

Ёшларнинг онгига атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, табиатни асраб-авайлаш лозимлигини сингдириш мақсадида қизи-

қарли ўйин ва сахна кўринишлари ижро этилди. Саҳна кўринишлари ижросидан сўнг «Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Ётақчилар Кенгаши томонидан ташкил этилган «Сардорлар Кенгаши» аъзолари томонидан «Кувноқлар ва зукколар» шоуси бўлиб ўтди.

Тадбир сўнггида фаол иштирок этган ва турли қизиқарли ўйинларда ғолиб бўлган болажонлар «Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Ётақчилар Кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди. Ўйлаймизки, бу каби тадбирлар болажонларнинг фикрлаш қобилиятини янада оширишга, ёзи таътилни мазмунли ва мароқли ўтказишларида замин яратди.

Азиза ЗОКИРОВА,
Сардорлар Кенгаши
аъзоси

Истиқлол йилларида фармацевтика саноатининг ривожланиб, аҳолининг маҳаллий дори-дармон воситалари билан таъминланишига юртимизнинг бой флора олами пойдевор бўлмоқда.

ШИФОБАХШ ВОСИТА

Тошкент Фармацевтика институти тадқиқотчиларининг истеъмоличиларга тортиқ этаётган янги дори тури — «Флегмен» кишини тинчлантириш хусусиятига эга.

Регель кўзикулоғи Марказий Осиёнинг эндем ўсимлиги бўлиб, таркибида флавоноид, иридоид гликозид, ошловчи модда, органик ва оксидолчун кислотаси, кам миқдорда эфир мойини сақлайди. Кўзикулоқнинг бу туридан тинчлантирувчи восита тайёрлаш мумкин эканлигини исботлаш учун институт олимлари узок йиллар давомида изланишлар олиб боришди.

«Флегмен» тинчлантирувчи йиғмасининг таркибини ишлаб чиқишда фармакологик скрининг усулидан фойдаланилди. Клиникага бугун тадқиқотлар институтининг «Фармакология» кафедраси профессори Х.Алиев томонидан олиб борилди. Тажиба-синов жараёни эса Тошкент Тиббиёт академиясининг иккита клиникаси ва республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказида ўтказилди. Солиштирилувчи гуруҳдаги беморлар базис даволаш усулида кузатилиб, назорат гуруҳидаги беморларга эса базис даволаш усулидаги кўшимча равишда «Флегмен» тинчлантирувчи йиғмасининг 1:10 нисбатда тайёрланган даммаси берилди. Натижа кутилганидек: йиғма беморлар ички орган ва қон қўрсаткичларида ижобий таъсир кўрсатди. Шунингдек, синновлар натижаларига кўра, марказий асаб тизими бузилиши билан боғлиқ касалликлар самарали даволанди. Кузатишлар янги дорининг мулқоқ безарар эканлигини кўрсатмоқда.

2013-2014 йилларда «Маҳаллий ўсимлик хомашёлари асосида ишлаб чиқилган седа-тида ўзлаштириш» мавзусидаги инновацион грант лойиҳаси муваффақиятли юнқула-

ниб, ишланма муаллифлари VIII республика инновацион гоя ва технологиялар ярмаркасида иштирок этиб, сертификат билан тақдирланди. Маҳаллий фармацевтика корхонаси томонидан «Флегмен»ни саноат миқёсида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Йиғмани майдаланган ҳолда 50 ва 100 граммдан филтёр пакетчаларда ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

— Ҳозир аҳоли ўртасида асаб, юрак қон-томир касалликлари кўп учрайди. Тўғри, тиббиётда бу хасталикларни аниқлаш, ташхис қўйиш ва даволаш бўйича дори-дармонлар жуда кўп. Аммо «Флегмен» ўз махсуслигини бўлгани ва безарарлиги, таннархи арзонлиги билан бошқа дори воситаларидан фаркланади. Унинг 1:10 нисбатдаги даммасини 1/3-1/2 стакандан кунига 2-3 маҳал 2-3 ҳафта давомида ичиш тавсия қилинади. Дамламани ўй шароитида тайёрлаш учун 1 ош қошиқ йиғмани (10 г.) эмал идишга солиб, 1 стакан кайноқ сув қўйлади ва қолқоғи ёпилиб, паст ҳароратда 15 дақиқа қайнатади. Сўнгра 30 дақиқа хона ҳароратида тиндирилиб, 4 қават доқадан сузиб олиш керак. Филтёр пакетчадаги йиғмадан дамма тайёрлаш учун эса эмал идишга солиниб, устандан 1 стакан қайнатилган сув қўйиш ва қолқоғи ёпилиб, паст ҳароратда 15 дақиқа қайнатиш керак. Совигач, илқ ҳолда ичиш мумкин, — дейди лойиҳа муаллифларидан бири, фармацевтика фанлари номзоди, доцент Абдумўмин Ганиев.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қоидадаги дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси томонидан ишлаб чиқаришга рухсат берилган «Флегмен» таркибига регель кўзикулоғи, Туркистон арслонқуйруғи, чучумия илдизлари, қалампир ва ялпиз барги киритилган.

Хулқар КУЗМЕТОВА

Маънавият тарғибот маркази Юнусобод тумани бўлими томонидан Ёзувчилар уюшмаси, Адлия вазирлиги қоидадаги юртимиз малакасини ошириш маркази, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Маънавият ва маърифат Кенгаши, маданият ва спорт ишлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими, «Ўзбекнаво» эстрада ҳамда «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмалари, Ўзбекистон давлат цирки, «Ватанпарвар» ташкилоти билан ҳамкорликда оромгоҳларда бир-биридан қизиқарли маънавий-маърифий, маданий тадбирлар ўтказилиб, болажонларга бир олам қувонч улашилмоқда.

Ёз — 2015

СЎЛИМ ОРОМГОҲ
БАҒРИДА

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги «Автомобиличи» ёғи болалар дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳи 6-14 ёшдаги 391 нафар ўқувчини ўз бағрига олган. Биринчи мавсумда 219 нафар бола дам олган бўлса, айни пайтда ўқувчилар оромгоҳининг иккинчи мавсумида микириб ҳордиқ чиқармоқда.

— Маҳалламиз қоидада ташкил этилган футбол тўғрагага қатнашман, — дейди Юнусобод туманидаги 51-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Камронбек Акбаров. — Оромгоҳга келиб, бу ерда мен севган футбол ва шахмат-шашка тўғрақлари борлигини хурсанд бўлдим, янги дўстлар орттирдим. Янги ўқув йили учун оромгоҳда инглиз тили, расомлик тўғрақларида маҳоратимни ошироқчиман. Қўли ширин ошпазлар тайёрлаган мазали таомлар ҳам менга маъқул.

Оромгоҳ радиоузелидан вазмин овоз янграйди: «Дикқат, 8-гуруҳ аъзолари, тарбиячи раҳбарлигида икки қатор бўлиб, чўмилиш учун сув хавзасига йўл олинг!» Жажжи ўғил қизлар бир зумда полапонлардек сафга тизилишади. Оромгоҳ ҳамшираси Дилбар Ҳикматова уларга дикқат билан разм солади, сув ҳораратининг меъёрида эканлини текширади. Болажонлар сузиш бўйича мураббий Анвар Қосимовнинг кўрсатмаси билан бирин-кетин сувга тушишади.

Оромгоҳ раҳбари Зулайхо Эргашева бошчилигида ўн икки нафар малакали тарбиячи, уч нафар шифокор, ҳамшира, ўндан зиёд фаол ва ташаббускор етакчи ва тўғарак

раҳбарлари, ўқувчиларни ҳар томонлама соғломлаштиришга ҳаракат қилмоқда.

— Тарбияланувчилар кунни бадан тарбия машғулоти билан бошлайди, — дейди оромгоҳнинг катта тарбиячиси Саломат Иминова. — Нонуштадан сўнг «Тасвирий санъат», «Моҳир кўллар», «Мунчоқли безак», «Қизиқарли математика», «Инглиз тилини ўрганамиз», «Ёш мусаввирлар», «Футбол», «Стол теннис», «Саҳна санъати», «Гимнастика», «Енгил атлетика», «Шахмат-шашка» тўғрақларида вақтларини мазмунли ўтказишмоқда.

Кутубхона раҳбари Салима Содиқованинг таъкидлашича, кутубхона фондида жами 648та адабиёт мавжуд бўлиб, уларнинг 427таси лотин алифбосида. Бу ерда «Ёш китобхоналар» тўғраги аъзолари деярли ҳар кун турли йўналишдаги рағли-безакли китоблар мутулааси билан машғул.

«Кувноқ стартлар» спорт мусобақаси, «Сиз тарихни биласизми», «Гулхан атрофида баҳслар», «Одам савдоси — давр муаммоси», «Биз гиёҳвандликка қаршимиз», «Оммавий маданиятнинг салбий иллатлари» мавзуларида давра суҳбати, «Юртим жамоли» шиори остида асфальтга расм чизиш танлови, «Каштачилик сирлари», «Рангасвир санъати» мавзуларидаги маҳорат дарсларида фаол иштирок этган ўқувчилар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ
Муаллиф олган сурат

ЭКОСАЁҲАТ СОҒЛИҚ УЧУН
ФЙДАЛИ

Хушманзара масканларда қушларнинг сайраши, ариқларда шилдираб оқаётган зилол сувларнинг товуши кишига хуш ёқади. Кўз ўнгимизда барқ ураётган олам одамларга: атрофга худди кўклам гуллари сингари қулиб боқ, ана шунда ҳаётнинг завқини туясан, дея фалсафа ўқийтандек бўлади. Ана шундай кўтаринки кайфиятда дам олиш кунларида дарё ва тоғ ёнбағирларига саёҳатга чиқиш соғлиқ учун жуда фойдали.

Катта шаҳарда автомобиллар шовқинидан асаблари чарчаган, ақлий меҳнатдан толиққан миёга бир оз дам бериш лозим. Шундай экан, вақтни қадрлайдиган ишбилармон кишилар учун ҳафта охиридаги уч кунлик саёҳат, агар унга тоза ҳаво, экологик соф, фойдали таомлар, яқин кишилар ҳамроҳлиги ва жисмоний фаоллик қўшилган бўлса, мақсадга мувофиқдир.

Энг аввало кўнглингизга ёқадиган одамлар билан сафарга чиқишни режалаштиринг. Булар оила аъзоларингиз, дўстларингиз ёки яқин кишингиз бўлиши мумкин. Ёлғиз йўлга отланиш зерикарли. Агар тоғ об-ҳавоси салқин бўлса, ўзингиз билан иссиқ кийим, гигиеник воситалар, сабзавот ва мевалар, қизиқарли китоб, шахмат тахтаси ва бошқа зарур нарсалар олинг.

Ўлкамизнинг гўзал масканлари Оқтош, Хумсон, Билдирсой, Чимён тоғ тизмаларида бўлсангиз, у ернинг табиати сизда кўтаринкилик кайфиятини уйғотади. Ана шундай кўтаринкиликни Оқтош тоғ тизмаларига саёҳат қилганингизда гувоҳи бўлишингиз мумкин. Йўл бўйи қалин арчазор, баланд дарахтлар, қир-адирларга ёйилган яшил гилам ва отлар, сигирлар, қўйлар подасига кўзингиз тушиб, дилингиз яйрайди. Гўзал табиатни баландликдан туриб томоша қилиш жуда завқли. Болалар оромгоҳи ва далаҳовлиларни кузатганингиздан кейин асфальт йўл бўйлаб тоғ тизмалари бошланади. Бу тоғлар табиий ғорлардан иборат. У ердаги тошларнинг акси ғор ичидagi сувларга тушиб туради. Сув ажиб рангда товланиб, тоғ ёнбағирларидан шаршара оқиб тушади.

Нотекис йўлда узоқ юриб, уйга қайтиб келганингизда оёқларингиз жисмоний толиқишдан оғрийди. Чарчоқ ҳис қиласиз. Бир оз мизгиб олганингиздан кейин кечки овқатни дўстлар даврасида тайёрлашга киришинг. Бу машғулоти ҳар ким ширин таом пишира олади мавзудаги мусобақага айлантириш мумкин. Кечки овқатдан кейин сайр қилиш, газета ўқиш, шифобахш гиёҳлардан дамма ичиш, массаж олиш ёки дўстлар билан биргаликда ўйин-кулги қилиш оқшомнинг мазмунли янқуналишига ёрдам беради. Баъзи бировлар тунда гулхан атрофида суҳбат қуришни маъқул кўради. Ҳафта охиридаги мана шундай саёҳат инсон хотирасида бир умрга эсда қолади ва янги иш кунини кўтаринки кайфиятда бошлашга, даромадли бизнес режаларингизни янги гоёлар билан бойитишга, ҳаётини муаммоларни енгиллашга ёрдам беради.

Азизбек НИЗАМОВ,
Тошкент шаҳар саломатлик ва тиббий
статистика институти
директори ўринбосари

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 232-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



Ўзгидромет

ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида

10 июль кунини ҳаво ўзгариб

туради, ёғингарчилик

бўлмайд. Шарқдан сеқун-

дига 5-10 метр тезликда

шамол эсади. Ҳарорат ке-

часи — 20-22, кундузи —

35-37 даража иссиқ

бўлади.

Ўзгидрометнинг мо-

ниторинг хизмати

маълумотига кўра,

10 июль кунини Тошкент

шаҳрининг об-ҳаво шароити

шаҳар ҳаво муҳитида за-

рарли моддаларнинг бир оз

сақланиб қолганига имкони-

ят яратилади, ифлосланиш

даражаси паст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-552007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинганНашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаландиМУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМИЛИГИБизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uzДушанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.
6711 нускада босилди.
Қўғоз бичими А-2Нашр учун масъул
Д. Исроилов«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уйБош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Буюртма Г- 755

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 16.20